

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Учқўргон туман МТБ  
Танлов комиссияси раиси  
Б.Аноров

«04» июн 2022 йил

2022 йил ва келгуси йилларда Учқўргон туман мактабгача таълим бўлимига тегишли бюджет маблағлари ва бошқа манбалар (давлатнинг капитал қўйилмалари), давлат бошқарув органлари ва давлат корхоналари маблағлари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари хисобига бажариладиган жорий таъмирлаш ва қурилиш обьектлари бўйича

(танлов савдоларига қўйилган обьектларнинг номи)

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ** учун

## **ТАНЛОВ КОМИССИЯСИННИГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТИ)**

### **I.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Танлов комиссиясининг иш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 15 майдаги 185-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Харид килиш тартиб-таомилларини ташкил этиш талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, танлов комиссиясининг танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2. Танлов комиссияси коллегиал орган бўлиб (доимий ёки вактинчалик ишчи орган) танлов савдоларининг асосий катнашчиси хисобланади.

### **II. Танлов комиссиясининг иш фаолиятини ташкил этиши**

2.1. Танлов комиссияси куйидаги функцияларни амалга оширади:

микдори танлов ҳужжатларида қайд этиладиган аниқ танлов шартларига боғлик бўладиган танлов савдоларида катнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини қўриб чикади;

2.2 Танлов комиссияси аъзоларининг танловда 60%дан кам бўлмаган кисми овоз берса танлов комиссияси қабул килган карор мувофик деб хисобланади.

2.3. Таклифларни танловга эълон берилгандан 5 (беш) иш кунидан сўнг, комиссия аъзолари қўриб чиқилади.

2.5. Танлов комиссияси танлов ҳужжатларида қўрсатилган мезонларга мувофик оферталарни ўрганади, текширади ва қўриб чикади, танлов савдолари ғолибини аниклади ёки бошқа карор қабул килади.

2.6. Харид комиссиясининг карори билан танлаш бўйича харид килиш ҳужжатларида ва таклифда қўрсатилган мезонларга мувофик ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аникланиши мумкин.

2.7. Танлов савдоларини ўтказиш жараённада пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни қўриб чикади ва тартибга солади ҳамда улар бўйича тегишли хulosалар чиқаради.

2.8. Танлов комиссиясининг хар бир аъзоси томонидан таклифлар бўйича овоз бериш натижалари тўғрисидаги маълумотлар катъий равишда маҳфий ва ошкор этилиши шарт эмас.

2.9. Танловни ўтказиш тартиб-коидалари боскичлари бўйича карор танлов таклифларини қўриб чиқилгандан кейин танлов комиссияси томонидан кўпчилик овоз билан қабул килинади. Овзлар тенг бўлган тақдирда раиснинг овози ҳал килувчи хисобланади.

2.10. Оферент томонидан жойланган ҳужжатларни комиссия вакиллари томонидан ўрганиш ва баҳолаш “Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли Қонунига асосан товар хом-ашё биржаси “etender.uzex.uz” порталаида ўтказилади.

2.11. Комиссия аъзоси иккинчи шахсга ташкилот раҳбари номидан берилган ишончнома асосида комиссия ишида иштирок этадиган мутахассисга ўз ваколатини бериши мумкин.

### **III. Танлов хужжатлари хамда малака талабларига қўйиладиган шартлар ва талаблар**

3.1. Танлов хужжатлари сканерланган хамда тасдикланган ҳолда “etender.uzex.uz” порталига жойлаштирилади.

3.2. Танлов хужжатлари уни ўрганишда ва танлов таклифини тайёрлашда ҳар томонлама тушунарли ҳолда тайёрланган бўлиши керак.

3.3. Лойихачиларни консорциум ва бошқа кўринишдаги бирлашмаларини танлов савдоларида иштирок этишларига йўл қуйилмайди.

3.4. Танлов хужжатлари ўзбек тилида тайёрланади.

3.5. Барча танлов хужжатлари ва танлов буюртмалари ўзбек ёки рус тилида тақдим қилиниши мумкин.

3.6. Шартнома ўзбек тилида тайёрланади.

3.7. Таклифларни танловга эълон берилгандан 5 (беш) иш кунидан сўнг, комиссия аъзолари қўриб чиқилади.

3.8. танлов иштирокчилари қурилиш фаолияти билан шуғулланишга тегишли лицензияга эга бўлган бўлиши лозим.

3.9. Танлов иштирокчиси томонидан қурилиш ишлари учун тегишли хужжат (низом ва гувохнома) ни тақдим этиши шарт.

3.10. Танлов хужжатлар (техник қисм, ташкил этилаётган нарх ва қурилиш ишларини бажариш муддати) муҳрланган нусхалари электрон равища жойланади.

3.11. Бахолашнинг асосий мезонлари техник қисм ва қурилиш ишлари нархи бўлади.

3.12. Танлов хужжатлари асосида тузилган шартноманинг шартлари Ўзбекистон Республикаси худудида амал қиладиган Фуқаролик кодексининг умумий тамойилларига, хўжалик юритувчи субъектлар шартномавий хукуқий асослари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Конуни ва меъорий хужжатларга мувофиқ бўлиши керак.

3.13. Танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган хужжатлар, қўйилган талабларга жавоб бериши керак.

3.14. Танловда, қайта ташкил этилаётган ёки банкротлик холатидаги қурилиш ташкилотларининг иштирок этиши мумкин эмас.

### **IV. Танлов таклифига киритилган хужжатлар**

4.1. Ташкилотнинг ташкилий структураси ва ташкилот ҳакида умумий маълумотлар. (1 – шакл)

4.2. Танлов иштирокчisinинг молиявий кўрсатгичлари, салоҳияти (2019-2020-2021 йиллар бўйича) тўловга кодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот.(2-шакл)

4.3. Танлов иштирокчisinинг охирги уч йилда (2019-2020-2021) бажарган ишлари бўйича иш тажрибаси – (3 – шакл)

4.4. Мавжуд машина ва механизмлар ва бошқалар рўйхати, (4-шакл)

4.5. танлов иштирокчisinинг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) обьектлари (5-шакл)

4.6. Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома - (6-шакл)

4.7. Объектда ишлаб чиқиш бўйича таклиф суммаси ва бажариш муддати (1-илова)

4.8. Объектда қурилиш монтаж ишларини бажариш жараённида ишларини умумий жадвали (2 ва 3-иловалар)

### **V. Таклифни муҳрлаш ва тақдим этиш**

5.1. Хужжатлар имзоланган ва муҳрланган нусхалари электрон равища Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси “etender.uzex.uz” порталига жойлаштирилади.

5.2. Таклифлар ва хужжатлар талаб қилинган холатда бўлмаса қўриб чиқилмайди.

### **VI. Комиссия ишини бошлаш, танлов таклифларини очиш ва баҳолаш**

6.1. Танлов Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси “etender.uzex.uz” порталида ўтказилади;

6.2. Иштирокчилар таклифлари Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси “etender.uzex.uz” порталида кўриб чиқилади.

6.3. Танлов комиссияси иштирокчиларни тақдим этган хужжатларини ва таклифларини кўриб чиқади, уларни тўғри тўлдирилганлиги, хужжатларни электрон нусхалари хақиқийлиги, тўғри имзоланганлиги ва умумий холат бўйича таклифларни кўриб чиқади.

6.4. Танловга киритилмаган ёки дисквалификация қилинган таклиф иштирокчиларини сабабини кўрсатган холда танловдан четлаштирилади.

6.5. Танлов комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

6.6. Ҳар бир офертанинг кейинги босқичларга ўтиши кўпчилик овоз билан ҳал қилинади, агар овозлар teng бўлса комиссия раисининг овози хал қилувчи ҳисобланади.

## VII. Танлов иштирокчиларини баҳолаш

7.1. Танлов голибини аниқлашда танлов иштирокчиси томонидан тўлдирилган ва тақдим этилган шакллар ўрганиб чиқилади.

7.2. Танлов комиссияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси “etender.uzex.uz” порталида ўз шахсий кабинетидан баҳолайди ва тасдиқлайди. (Ўзининг шахсий фикри билан) (намуна 1-жадвалда келтирилган.)

7.3. Зарур бўлган холларда танлов комиссияси комиссия таркибидан, компания бўлимларидан ёки тегишли бошқа малакали мутахассислардан жалб қилган холда хужжатларни тўлиқ ўрганиб чиқиш ва хулоса киритиш учун баҳолаш гурухи тузишга хақлидир.

*МТБ* 1-жадвал  
объектлар бўйича таклиф хужжатларини ишлаб чиқиш учун техник баҳолаш вараги

T/p	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи	шакл №	Баллар миқдори	Оферентлар			
				№1	№2	№3	...
1	Ташкилотнинг ташкилий структураси						
2	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар	✓	1-шакл	15			
3	Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи	-	2-шакл	25			
4	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси	✓	3-шакл	20			
5	Машина ва механизмлар рўйхати	✓	4-шакл	20			
6	Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот		5-шакл	5			
7	Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўргангандлик тўғрисида маълумотнома	✗	6-шакл	10			

## VIII. Танлов таклифларини баҳолаш меъзонлари

8.1. Танлов хужжатида ҳар бир параметр бўйича мажбурий тартибда баҳолаш меъзонлари киритилиши керак.

8.2. баҳолаш меъзонлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**Наманган шаҳар Ободонлаштириши бошқармаси буюртмачилигига объектларнинг лойиха-смета  
хуёксатларини ишлаб чиқишида объектлар бўйича таплаш тақлифларини техник  
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

T/p	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи.	Баллар миқдори
<b>I. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2 - шакл (15 балл)</b>		
1.	Ташкилот структураси. Гувохнома ва Низоми.	1
2.	Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги.	3
3.	3 йил иш стажига эга 1 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар)	3
4.	Ишлаб чиқариш техника бўлимида 3 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги.	2
5.	Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.	4
6.	Мехнатни муҳофаза килиш ва техник ҳавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги	2
<b>II. Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2-шакл (25 балл)</b>		
1.	Асосий воситаларнинг қолдик қиймати 50 млн. сўм ва ундан кўп	5
2.	Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги	6
3.	Ўтган йилда 40 млн.сўм фойдаси (солик тўлангунга қадар) мавжудлиги	8
4.	Объектнинг буюртмачи белгиланган бошлангич нархининг 20%гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (иштирокчининг баланс ҳисоботи ва молиявий ҳисоботларидан асосида баҳоланади)	6
<b>III. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси. 3-шакл (20 балл)</b>		
1.	Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N — Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп.	10
2.	Танлов савододагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.	10
<b>IV. Машина ва механизмлар рўйхати, 4 – шакл(20балл)</b>		
1.	Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 3 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги	10
2.	Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирлиқдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги	10
<b>V. Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш обьектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 5-шакл (5 балл)</b>		
1.	Танлов предмети — обьектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида лойиҳани бажариш учун керакли бўлган инженер-техник ходим (камидা 1-2 киши) ҳамда машина ва механизмлар бошқа обьектларга жалб этилганлиги баҳолаш даврида инобатга олинади — <b>2 ва 7-шакллар</b>	5
<b>VI. Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўргангандлик тўғрисида маълумотнома. 6-шакл (5 балл)</b>		
1.	Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги	10

**Изоҳлар:**

\* 3-шаклга кейинги 3 (уч) йиллик “Молиявий натижалар №1 ва №2” илова қилинади.

\*\* Таънлаш тақлифларини баҳолашда ёрдамчи ташкилотлардан жалб этилган машина ва механизмлар ҳисобга олинмайди.

Танлов иштирокчиси янги қурилиш ва реконструкция қилиш обьектларининг баҳолаш яқунларига кўра 70 баллдан кам балл тўпласа, мукаммал таъмирлаш обьектлари бўйича баҳолаш яқунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа, жорий таъмирлаш обьектлари бўйича баҳолаш яқунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа тақлиф рад этилади.

Тақлиф куйидаги ҳолларда кўриб чиқилмайди:

- агар тақлиф танлаш комиссиясининг балл бериш натижалариiga кўра техник малакаси етарли эмас деб топилса;

- 2, 3, 4 ва 6 шакллардан бирортаси мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, уларни баҳоси 0 га tengлаштирилади ва қолган хужжатлар кўриб чиқилмайди .

Иштирокчиларнинг таклифлари кўйида кўрсатилган танлаш таклифларининг молиявий хисоблаш мезонларига биноан баҳоланади:

**IX. Танлов таклифларини молиявий қисмини баҳолаш мезонлари**

T/p	Иловаларни баҳолаш параметрининг номи.	Баллар миқдори	Оферентлар			
			№1	№2	№3	...

**I. Таклиф этилаётган нарх (10 балл)**

1	Иштирокчининг таклиф этган нархи – 10 балл Иштирокчининг буюртмачи бошлангич нархидан юқори нархлари рад этилади. Нархга бериладиган баллар Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси “etender.uzex.uz” портала томонидан автоматик тарзда баҳоланади.	10					
---	---	----	--	--	--	--	--

**II. Биринчи йигма жилдни баҳолашдаги баллар миқдори**

**Танлов таклифларининг баҳолаш вароги (90 балл)**


1.	Танлов таклифларини техник баҳолаш якунига кўра кўп балл тўплаган иштирокчига – 90 балл.	90					
----	--	----	--	--	--	--	--


9.1. Агар баҳолаш мезонида бошқа маълумотлар келтирилган бўлса, ўрганиш натижаларига кўра баҳолар гурухи аъзолари танлов таклифларининг қўйидаги баҳолаш якуний жадвалини тўлдиришиади:

T/p	Иловаларни баҳолаш параметрининг номи.	Баллар миқдори	Оферентлар				
			№1	№2	№3	...	
	<b>I. Таклиф этилаётган нарх (10 балл)</b>						
1	Таклиф этилаётган нарх (нарх преференцияларини ҳисобга олган ҳолда).	5					
2.	Танлов таклифларини баҳолаш вароги (техник баҳолаш).	95					
	Жами баллар миқдори	100					


9.2. Танлов бўйича энг кўп балл тўплаган иштирокчи танлов голиби ҳисобланади.

9.3. Танлов голибига тўловлар тузилган шартнома асосан Ўзбекистон Республикаси милий валютаси (сўм)да тўлаб берилади.


  
М.Солиев

  
М.Мирзакаримов

Баёнлаштирувчи

  
Д.Фозилов

Д.Фозилов

  
Б.Тожимираев

Д.Хайдарова